

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИСОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАТБИҚ
ЭТИШ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Жаҳонда COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиғи, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди.

COVID-19 коронавирус инфекцияси аввало **юррак-қон томир ва нафас олиш йўллари ҳамда семизлик (ортиқча вазн)** касаллигига чалинган фуқароларимизнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, бугунги пандемия орамиздан кўплаб фуқароларимизни бевақт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиб, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан, таркибда **туз, қанд ва ёғ микдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** меъёридан ортиқ истеъмол қилмаслиқни, бир сўз билан айтганда, **соғлом турмуш тарзини** кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий қўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши

қучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар **Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда **жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш;**

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида **спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш;**

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибда **туз, қанд ва ёғ микдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** истеъмол қилишни қисқартириш,

зарарли одатлардан, хусусан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини** истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдида овқатланиш одатларидан воз кечиш;

санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун **замонавий моддий-техника базасини шакллантириш.**

2. Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — **юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Workout”** (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари этиб белгилансин.

▶ Давоми 2-бетда

Бугуннинг гапи

ЎЗБЕК ИЛМ-ФАНИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ
КОНЦЕПЦИЯСИ

Шу йилнинг 29 октябрь куни юртимиз илм-фани тараққиётида янги саҳифа очадиган ва давлатимиз равнақида муҳим аҳамият касб этадиган тарихий ҳужжат — Президентимизнинг “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш
вазир, академик

Халқона айтганда, бунӣ замонавий, янги учиш қурилмаларининг парвозга чиқиш жараёни билан таққослаш мумкин. Емирила бошлаган учиш йўлаклари таъмирланди, парвозга хизмат кўрсатиш тизимлари созланди, манзил ва йўл харитаси, учиш

кўрсаткичлари аниқлаб берилди. Диспетчер ва йўлқузатувчилар ўз ўрнида, парвоз учун лайнер керакли тезликка эришса, кифоя. Ушбу концепция айнан парвоз юксаклиги ва тезлигини, манзил ва мақсадларини белгилаб берувчи дастурий ҳужжатдир.

Эътибор берсак, Президентимиз фармонининг кириш қисмида “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фани мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ равишда тасдиқлангани кўрсатиб ўтилган.

▶ Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади



КАТТА ҚАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Ростини айтсам, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 октябрь куни мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида қатнашиб ўтириб, бир оғир армон — шу машварат, шу гаплар нега бундан 30 йил аввал бўлмади-я, деган аччиқ ўқинч кўнглимни тирнади, огиритди.



Абдусайд КЎЧИМОВ

Шундай бўлганида эди, сизу биз бугун баланд тоғлар силсиласининг қайси чўққиларидан ўтаётган ёки фалакиёт юлдузлари орасида Чўлпон мисоли ярақлаб турган бўлмасмидик? Ўша йиллардаёқ бор кучимизни

юртимизда илму фанни юксалтириш, таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, муаллимларни, зиёлиларни улуглаш каби муқаддас ишларга бағишлаганимизда эди, ҳаётимизнинг бугунги манзаралари, шубҳасиз, тамомила бошқача бўлган бўлар эди.

Афсуски, вақт ўжар ва беҳад қайсар тулпор. Уни ортига қайтаришимиз, тўхтатишимиз илож-имкони йўқ.

Ҳа, йўқ! Аммо “эх, вох, аттанг!” дея бўшашиб ўтириш ҳам мумкин эмас. Ҳозир мамлакат олдида, миллат зиммасида, соврилган кунлар ҳиссасини чиқариш, шу билан бирга, туялари бизникидан анча ўзиб кетганларга етиб олиш, улар билан наинки ҳамқадам бўлиш, балки улуғ боболаримиз сингари аҳлидунёга намуна бўлгулик юмушларни амалга ошириб, Учинчи Ренессанс дейилимиш мухташам кўрғон сари алпона қадамлар ташлаш вази-

фаси турибди. Шундай шиддатли дамларда, олпа пиш, озимга туш қабилда ғойибдан мўъжизалар кўтиб ўтириш инсофдан эмас. Қолаверса, кейинги тўрт йиллик ҳаёт, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, кўз тегмасин, ҳаммамизда сор бургутдек баланд парвоз қилиш шиддати, жасорати борлигини кўрсатди. Кўнгил даштларида сўлиб қолган гулларни қайта яшнатди. Нафақат ўзимизга бўлган ишончга қанот берди, балки бошқаларни ҳам ишонтирди. Жаҳон узра мавқеимиз ошгани — бу ҳам ҳақиқат. Ўзбекистон юксалиш йўлига чиқди. Бунинг исботлари кўп. Мамлакат оёққа қалқди. Оролдан Бўкагача, Зоминдан Бойсунгача — ҳамма-ҳамма ерда кўклаш-кўкариш мавсуми — баҳорий ифорлар чап-пар урди. Биргина Тошкент шаҳридаги манзаралар — ер ости-ю, ер усти метролари, қатор-қатор Ситилар, кўчалар, кўприклар, заводлар, янги-янги мактаблар, институтлар...

▶ Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Ўзбекистон – Ҳиндистон:
АЗАЛИЙ ҲАМКОРЛИК
РИШТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов видеоконференция шаклида ўтган ташқи ишлар вазирлари даражасидаги “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқотининг иккинчи йиғилишида иштирок этди.

Ўтган йили Самарқандда асос солинган ушбу дипломатик платформа минтакавий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда долзарб ва самарали механизмга айланди. Бу Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги тарихий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганидан далолатдир. Зеро, ҳар икки давлат асрлар давомида Европа — Осиё савдо муносабатларида ўзига хос дарвоза ҳисобланган.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон қадимдан илм-фан тараққиёти ва тинчликка интилиб, халқлар бирдамлиги учун ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратган. Буюк бобокалонларимиз Ҳиндистон халқининг тарихи бобида беназир асарлар яратгани, ўзбек ва ҳинд санъатлари миллий маданиятлар ва адабиётларимиз сарчашмаларидан бирдек баҳраманд бўлгани ҳам аини ҳақиқат.

▶ Давоми 4-бетда

Шарҳ

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ
УЛУШИНИ ҚАНДАЙ
КАМАЙТИРИШ
МУМКИН?

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яратишга, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантиришга, шунингдек, яширин иқтисодиётни жиловлашга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Солиқ юқини камайтириш, тизимни соддалаштириш ва унинг маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни тезкор тараққий эттиришга хизмат қилади.



▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгиллаб қўйилсинки: юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **104 миллиард сўмдан**;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили **10 миллиард сўмдан** маблағлар ажратилади.

4. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида “**Соғлом турмуш тарзи**” (www.1his.uz) платформасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида **ўн минг ва undan ortiq қадам** юрган 18 ва undan юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига **3 минг сўмдан**;

ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга **300 минг сўмдан**, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга **500 минг сўм, республика** бўйича энг кўп юрган шахсга **1 миллион сўм** қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ўтказилади.

Белгилансинки: “Соғлом турмуш тарзи” платформасини ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича бюротмачининг функциялари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юклатилади;

“Соғлом турмуш тарзи” платформаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ИТ-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда **2021 йил 1 мартга** қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаса маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 15 ноябрга қадар** ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пйёда ва велосипедда юриш учун “**Саломатлик йўлаклари**”ни ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирсин, 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ишларини бошласин ва **2021 йил 1 майга қадар** тутатсин.

Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

пйёдалар ва велосипед йўлакларининг умумий узунлиги **3-5 километрни ташкил этиши ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлиши**;

замонавий, энерготежамкор (ҳаракат сенсорлари билан жиҳозланган) **ёритиш тизимлари ва ёруғлик қайтарувчи, йўлакларнинг бошланиши, оралиги ва якунини кўрсатувчи йўл белгилари билан тўлиқ таъминланиши**;

пйёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланish имкониятлари яратилиши ҳамда **ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит”** ташкил этилиши.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил учун инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан марказий кўчаларни модернизация қилиш учун жами **1,4 триллион сўм** маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил давомида босқичма-босқич барча туманларда аҳоли учун қулай бўлган кўчаларда умумий узунлиги **50 километр бўлган пйёда ва велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этсин.

Мазкур мақсадлар учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2023-2024 йилларда қайтариш шарти билан **20 миллион АҚШ доллари** миқдорида фойсиз соуда ажратсин.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, **2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нуратош, Самарқанд, Термиз, Хива, Шахрисабз ва Қўқон шаҳарларида** ҳамда 2023 йилдан бошлаб республиканинг барча ийрик шаҳарларида пйёда ва велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлаклари” ташкил этилиши таъминлансин.

7. Вазирлар Маҳкамаси **2021 йил 1 июнга қадар** юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, “**Соғлом аёл — буюк келажақ**” гоясини ўзида мужассам этган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш тўрисида Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. Қурилиш вазирлиги **2021 йил 1 январга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда янгидан барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни қуриш бўйича тасдиқланган амалдаги шахарсозлик нормаларига қўйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартаришлар киритсин:

аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларда велосипед турар жойлари ва замонавий спорт (шу жумладан, Workout) майдончаларини ташкил этиш; маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пйёда ҳамда велосипед юриш учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”ни қуриш;

автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этиш.

9. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

ҳар чоракда ҳар бир туман (шаҳар) да “**Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла**” танловини ташкил этсин; **бир ой мuddатда** танловни ўтказиш тартибидан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Бунда, маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилиши, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари назарда тутилсин;

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан танловда **биринчи ўринни** эгаллаган маҳаллага **10 миллион сўм, иккинчи ўрин** учун **5 миллион сўм** миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, пул мукофоти маблағлари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисобрақамига ўтказилади ҳамда маҳаллада спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш, спорт тадбирларини ўтказиш мақсадидаги истисно тариқасида тендер савдоларисиз йўналтирилади.

10. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўқоров ва А.Абдуҳакимов 2020 йил 1 ноябрга қадар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг таклифларига асосан 2021 йилда:

умумтаълим мактабларига **50 та спорт зали қурилиши учун 100 миллиард сўм**;

спорт таълим муассасаларига **48 та спорт иншооти қурилиши учун 400 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин ва тармоқ жадалларини тасдиқласин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги 2021 йил 10 апрелга қадар 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумтаълим мактабларини спорт заллари билан тўлиқ таъминлаш, ҳар бир туман(шаҳар)да моддий-техника базасига эга бўлган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш ва жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, келгуси йилларда умумтаълим мактаблари спорт заллари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт таълим муассасаларининг спорт иншоотларини қуриш параметрларини сезиларли ошириб бурсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг касаса уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа шартномалари:

иш кuni давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари; технология, ишлаб чиқариш ва иш шaroитларидан келиб чиқиб, **ҳодимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси**

машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгиланади.

13. 2021 йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкилотларида: соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “**Спорт тарғиботчиси**” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига **20 фойз** миқдорида устама белгилаш йўлга қўйилсин;

иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камидан бир марта) **раҳбар ва барча ходимларнинг** жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланиши таъминлансин;

ҳар шанба соат **14:00 дан кейин ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида** югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича **оммавий спорт мусобақалари** ташкил этилсин. Бунда, мусобақалар байрамона руҳда, “шоу” қўринишида ўтказилишига, ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитларни яратишини (тренажёр зали, “Workout” майдончаси, спорт майдончалари ва хоналари, спорт машғулотлари ва мусобақалари) молиялаштириш давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

биринчи раҳбарлар “**Шахсий намуна**” тамойили асосида ўзларининг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш) яхшилаш орқали ҳодимларнинг антропометрик кўрсаткичлари яхшиланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин; веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета, Интернет тармоғи) орқали бу борада амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг аҳамияти мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминласин.

14. Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 июлдан бошлаб**:

вазирлик, идора, корхона, ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ҳодимларнинг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасини, вазн индексини), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, рейтинг асосида таҳлил қилиш ҳамда натижаларни онлайн кутатиб бориш тизимини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳудудда оммавий спорт билан шуғулланувчилар сонининг ошишига, соғлом овқатланишига, хусусан, таркибида **туз, қанд ва ёғ микдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини** истеъмол қилишни қисқартиришга, зарарли одатлардан, **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини** истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақо вaфoт этиш кўрсаткичлари камайишига қараб ишига баҳо бериш бўйича рейтингини рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини жорий этсин ҳамда “**Соғлом турмуш тарзи**” платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов томонидан тақдим этилган **рейтинг кўрсаткичлари асосида**:

рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш;

рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган давлат органлари раҳбарларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

16. Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

икки ой мuddатда умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) “**Спорт дақиқаси**” жисмоний машқлари, дарслар

бошланишидан олдин 2 дақиқа нафас олиш машқларини ўтказишни амалиётга жорий этсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар, талабаларнинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичларини (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, “**Кундалик**” рейтинг дафтарига алоҳида саҳифада киритсин ҳамда ҳар чорак таҳлиллари ва натижалари акс эттирилишини таъминласин.

17. Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўқув соатлари доирасида **жисмоний тарбия фанини барча синфларда ҳафтада 2 соатдан** ўқитишни ташкил этсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) бир ой мuddатда Тиббиёт ҳодимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг врач ва ўрта тиббий ҳодимларини диетология бўйича тайёрлаш, шу жумладан, амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа мuddатли курсларни ташкил қилсин;

б) **2021 йил 1 мартга қадар** Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ортиқча вазнга эга бўлган шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рационни ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин ва уни аҳоли орасида доимий тарғиб қилиб бурсин;

в) қуйидагиларни: мактабгача таълим ташкилотларининг тиббиёт ҳодимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидан умумтаълим мактабларига бириктирилган тиббиёт ҳодимлари томонидан тарбияланувчилар ва ўқувчилар соғлиги ва жисмоний камолоти доимий равишда назоратга олинишини, уларнинг санитария-гигиена қондаларига риоя қилиниши, бадантарбия машқлари ўтказишини ва мунтазам равишда спорт билан шуғулланишини, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинишини, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилишини, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилишини;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, таркибида **туз, қанд ва ёғ микдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликлар, нон маҳсулотлари** истеъмолини камайтириш бўйича оилалар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришни;

2021 йил 1 мартга қадар тиббиёт ҳодимлари томонидан болаларнинг соғлигини инобатга олган ҳолда, жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатилишини ва болаларнинг саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилишини ҳамда шунга қараб жисмоний чинқириш миқдори белгиланишини таъминласин;

г) Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Инновация ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **уч ой мuddатда** болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқсин.

19. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2025 йилга қадар** ҳудудий ва тегишли тармоқ дастурлари доирасида таълим муассасаларини, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим ва спорт муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрсин.

20. Молия вазирлиги:

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган рўйхат асосида мактабгача ва умумтаълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш харажатлари учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин, бунда ушбу мақсадлар учун **2021 йилда ҳар бир давлат мактабгача таълим ташкилотига 2 миллион сўмдан, умумтаълим муассасасига 5 миллион сўмдан** ажратсин;

2021 йил 1 январга қадар аҳоли саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга махсус йиғим жорий этиш ва ушбу тушумларнинг бир қисmini “**Соғлом турмуш тарзи**” платформасини сақлаш харажатларини ҳамда мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган тўловларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида марказлашган тартибда рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, барча тизим ташкилотларига ягона электрон дастурий таъминотни

яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш учун маблағ ажратсин.

21. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йилдан бошлаб** Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан “**Соғлом турмуш тарзи**” платформасида рўйхатдан ўтган ва undan фойдаланган жисмоний шахслар сонига ҳамда уларнинг спорт натижаларига қараб вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг **ҳар чорак якуни** бўйича рейтингни тузилади ва улар фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан баҳо берилadi.

22. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудларда хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари базасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ёки давлат спорт муассасалари фаолияти туруни ўзгартирмаслик шарти билан уларни хусусийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, **2021 йил 1 мартга қадар** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, талаб юқори бўлган спорт турини танлаб олиб, мазкур йўналишдаги муассасаларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, сақлаш ва молиялаштиришни босқичма-босқич қисқартириш, давлат спорт муассасаларининг бўш ер майдонларида спорт майдончалари ва иншоотлари, меҳмонхоналар, спорт кийимлари ва жиҳозларини сотишга мўлжалланган дўконлар, соғлом овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фитобарлар, фитнес марказлари учун биналар қурилишига рухсат берилишини назарда тутсин.

23. Инновация ривожланиш вазирлиги **2021 йилдан бошлаб ҳар йили**: жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги жиғи фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун **10 миллиард сўмдан** кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизи-мидаги олий таълим муассасаларига таянч докторантура ва докторантура учун камида **10 та** ўрин ажратилишини таъминласин.

24. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Фанлар академияси ва Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази билан биргаликда **2021 йил 1 сентябрга қадар** республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда, **миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида “Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси”**-ни тайёрласин ва чоп этсин.

Белгилансинки, “Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси”ни тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаса маблағлари ҳисобидан қопланади.

25. Вазирлар Маҳкамаси уч ой мuddатда **туз, қанд ва ёғ микдори меъёридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг** рекламасига қўйидаги чекловлар ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин:

таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари ҳудудида ҳамда жамоат транспортда реклама қилиш;

болалар, анимацион персонажлар ва болалар кўрсатувлари қаҳрамонлари иштирокида реклама қилиш;

оммавий ахборот воситаларида болалар учун мўлжалланган кўрсатувлардан 30 дақиқа олдин ва кейин намоиш қилиш.

26. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

а) мунтазам равишда: ёшлар, хусусан, боғча ёшдаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида “**Болаликдан спортга**”, “**Тонги гимнастика**”, умумтаълим мактабларида “**Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажари!**”, “**Кувноқ стартлар**” синфларо, “**Катта ёшдагилар учун аэробика**”, “**Бошланғич йога машғулотлари**”, “**Ортиқча вазндан воз кеч!**” каби спорт машғулотларини ҳамда оилалар ўртасида ўтказиладиган “**Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи!**” телевизион спорт

мусобақаларини телеканалларда намоиш этиш;

барча телеканаллар, шу жумладан, хусусий телеканаллар эфиридa **ҳар кuni уч марта** (соат 7:00, 12:00 ва 17:00 да) **нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотларини** узатиш;

аёллар ва кексалар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда “**Соғлом турмуш тарзи**” кўрсатувларини намоиш этиш;

б) **2021 йил 1 январдан бошлаб** “Спорт” телеканалда:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ҳодимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларини, шунингдек, мазкур Фармон доирасида ўтказилаётган спорт мусобақаларини доимий равишда ёритиб бориш

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади

КАТТА КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бошланиши 1-бетда

Қишда, ҳатто, таппига зор одамлар бугун замонавий "дом"ларда шаҳарликлар каби яйраб ўтирибди.

Бир маҳаллар гуркираган, кейин-кейин харобага айланиб, тўхтаб қолган заводларда ҳам яна ҳаёт қайнади. Борсангиз, бу ердаги янги ҳаётни кўриб ифтихордан ҳайқариб юборишингизга қафилман: туманда юз хилдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Пайпоқдан тортиб, италянларникидан қолишмайдиган кийим-кечақларгача, резина ичкадан тортиб, телевизор музлаткичларгача, кир ювиш машинасию атир-упа, дори-дармонларгача, ранг-баранг гиламлар, духобалар, қўйинги, атторнинг қутисиди топилайдиган матоларгача ҳаммаси шу ерда тайёрланиб, шу ердан дунёнинг шарқу гарбига жўнатилмоқда. Йўллар ҳам энди бошқача — текис, равон. Уч йил аввалги йўл азобларини

Президент нафақат мазкур селекторда, балки аввалги мажлисларда ҳам бундай нописандликларни алам билан қайта-қайта эслади. Эслади ва муаллим обрўини тикламай туриб, мактабни "сиз"ламай туриб, иқтисодий ва маънавий юксакликка эришиш мумкин эмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Ўша пайтлардаги бир амалдорнинг ёзғиришларини эсласам, ҳалига довура майиздай эзилиб кетаман. "Бу ёзувчи-шоирлар жонга тегиб кетди-ку! Бири келиб, китобимни чиқариб бер деса, бошқаси келиб, китобимни сотиб бер, деб этагимга ёпишади!" Кўрдик-ку шу кунларниям. Бугун эса шуқлар бўлсинки, адиблар ҳам ўз қадрини топомоқда. Йиғилишда Президентимиз томонидан ҳудудларда яшаб, ижод қилаётган ёзувчи-шоирларни мактабларга кенг жалб қилиш, мактаб директори жамғармасидан ва маҳаллий бюджет маблағларидан уларга ойлик маош тўлаш лозимлиги қайд этилди. Бу ёзувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ҳаёт мураккабликларини, инсон руҳиятини ич-ичдан ўрганиш борасида чексиз имкониятдир — ижодкор бўлажак асарларининг қаҳрамонлари билан, ўқувчи эса чин ёзувчи билан ёнма-ён ашайди, бир-биридан ўрганади, бир-



эсласам, ҳозир ҳам этим увушиб кетади. Ишонасими, бизга Тошкентдан Самарқандга етиш бир тапшиш бўлса, Самарқанддан қишлоққа етиб олиш ўн азоб эди. Ўйдим-чуқурларнинг беҳусоблигидан "тухумкоробка" деган ном қўйволишганди бу йўлга одамлар. 15-20 чақирим масофадан ўтгунча одам-ку одам, бечора машинаниям ичак-чавоғи узилиб кетгандек бўларди гўё. "Тухумкоробка" таъмирланиб, шундай равон йўлга айлангирилдики, юрган сайин юргинг келади.

Албатта, бу — юртимизнинг ҳамма жойи беҳишати қилиниб кетди, дегани эмас. Неча ўн йиллар мобайнида тўпла-навериб, чалма бўлиб кетган қирларни ҳеч ким бир ҳамлада тозалай олмайдди. Қувончлиси — сўнгги йиллардаги қўқаришлар бутун миллат қалбиди бугун ва эртага бўлган мумтоз ишонч туйғуларини уйғотиб юборганида.

Давлатимиз раҳбарининг видеоселекторда қуниб айтган ўтли сўзлари қалбларга янаям кучлироқ чўғ солди, оловлангирди. Президент томонидан халқ муҳофазасидаги таълим-тарбияга доир фармоннинг мазмун-моҳияти шу қадар синчковлик билан миридан-сиригача мукаммал таҳлил ва тақин қилиб берилдики, агар бадийроқ қилиб, мактабни азамат бир чинор десақ, унинг етти қават ер тағидаги издизларидан то осмонга қўзилган шохлариди ҳар битта япроғигача ҳамма-ҳаммаси кўз олдимизда аниқ-тиник намоён бўлди. Мактабларнинг нафақат таълим-тарбия маскани, балки маҳалланинг маданий, интеллектуал маркази бўлмоғи зарурлиги, ўқув дарсликлари, методикаси, қўғозбозликдан қутулиш, таълим даргоҳларини таъмирлаш, директорнинг вазифаси, ўқувчиларни илмга, касбга қизиқтириш, педагогларнинг малакасини ошириш, ўқитувчилар тоифасини белгилаш тартиблари, мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш, қисқаси, мактабни юксалтирмай туриб,

Учинчи Ренессансга етиб бўлмаслиги содда ва жайдари тилда тушунтириб, тасвирлаб берилди.

Дарҳақиқат, Учинчи Ренессанс қалом бугун лисонимизга кирди, гуруру ифтихорга даъват мақомига айланди. Бу ҳолат кимларгадир ёқмаётгани ҳам бор гап. Кучи йўқ курак синдиради, деганларидек, ҳайрон қоласан гоҳида. Ёки кучи йўқ отасини йикитмоқчи бўлади, дейилмишга бир мисолмикан бу? Тўғри-да, ҳўш, одамодоз нима учун баланд чўққиларни қўзламаслиги, интигмаслиги керак. Нима, ўзбекни бошқалардан кам жойи борми? Бобоқалонларимизнинг кимлар экани жаҳонга маълум-ку?! Дунё тараққиётига тамал тошларини қўйган ва ҳали-ҳануз Ер юзини ҳайратга солиб келаятган улугларимиз ноимани санаб саногига етиш мумкинми?! Қўқрағида озроққина бўлса ҳамки виждони бор одам яхши билади, бу мақсад кимларгадир мактабни ёнқи нималариндир кўз-кўз қилиш учун даъват этилган эмас. Асло! Учинчи Ренессанс фасли тап этиб осмондан тушмаган ёҳуд ўйлаб топилмаган, Президент ўз вазифасига киришган кунлардаёқ жамол кўрсатган. Академиклар, зиёлилар билан бўлган учрашувлар... Уларга бўлган эътибор... Жамият туғул, одамларнинг ҳам эсидан қайиб кетган фан фидойилари — академикларнинг илмий даргоҳларга қайтишлари, уларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлашлар... Шу тариха тирикчилик учун бозорга чиқиб кетган, четга бориб, мардикорлик қилишга мажбур бўлган олимларнинг яна қадрдон даргоҳларида илм билан шуғуллана бошлашлари...

Ўрни бордир-йўқдир, аммо, ёзувчи-шоирлар тақдир билан боғлиқ яна бир аянчли ҳолатни айтмасам, ичим қуйиб кетгандай бўлади. Ахир, бор-йўғи 3-4 йил бурун шўринг курғур адиб тунларни бедор ўтказиб ёзган асарини чиқариш учун эшикма-эшик ҳомий қидириб юрганини унутиб бўларканми?



Бугуннинг гапи



ЎЗБЕК ИЛМ-ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПЦИЯСИ

Бошланиши 1-бетда

Концепция ҳамда унинг мақсади-ли кўрсаткич ва индикаторларида илм-фан тараққиётининг беш асосий йўналиши доирасида ҳаётбахш ишлохотлар назарда тутилган ва улар пировард натижада Учинчи Ренессансининг нафақат пойдеворини, балки дастлабки одимларини ташкил этади. Энди бу соҳа тубдан ўзгаради. Илм-фанни яқин ва узоқ келажакда ривожлантиришнинг асос тамойиллари ишлаб чиқилади. Фанга ажратиладиган маблағлар эса камида ўн баравар оширилади.

Мазкур фармонга биноан, Ўзбекистонда узоқни қўзлаган, аниқ, мақсадли кўрсаткичларга эга, самардорлик даражасини белгилашнинг янги индикаторлари билан боийтилган концепция тасдиқланди. Бу индикаторлар мамлакатда ҳар миллион аҳолига нисбатан илмий тадқиқотчилар сонини ошириб бориш, илм-фанда ёшларнинг ўрнини белгилаб бериш, ҳар бир илмий изланиш самараси тижорийлаштириш индекси билан ўлчаниши, илмий-тадқиқот марказларининг рейтингини шакллантириш кабиларни ўз ичига олади.

Концепция илм-фани 2030 йилгача ривожлантиришнинг ўн етти-та мақсадли кўрсаткичини қамраб олган бўлиб, уларга мувофиқ, 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 баравар, 2030 йилгача эса ўн баравар ошириш мақсад қилинган. Бу мамлакатимиз учун жуда муҳим қадм. Чунки ҳозир илм-фан ривожига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,2 фоизи йўналтирилмоқда. Мазкур кўрсаткичи дунёнинг етакчи давлатларидаги муқобил ҳолат билан таққосласак, Исроилда бу кўрсаткич 5, Жанубий Кореяда 4,8, Швецияда 3,3, Германияда 3,1, АҚШда 2,8 ва Россияда 2,6 фоизи ташкил қилади.

Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 - 2022 йилларда амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"да эса Илм-фан соҳаси ва илмий тадқиқот ишларини 2021–2023 йилларда молиялаштириш ҳақмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари ва уларга эришиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга кўра, 2025 йилга қадар илм-фани умумий молиялаштириш ҳақимида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги саккиз фоиздан йигирма фоизга, 2030 йилгача эса ўттиз фоизга етказиш, инновацион ишланма ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда иккита, 2025 йилда ўн та венчур фонди ташкил қилиш (ҳозир иккита венчур фонд мавжуд) вазифалари белгилан берилди.

Молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш илм-фаннинг давлат бюджетига тушадиган оғирини енгиллатишга ёрдам беради. Ҳозир бу йўналишдаги дастлабки ишлар бошланди. Масалан, халқаро илмий ҳамкорликлар доирасида Германия, Россия ва Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда 9,6 миллиард сўмлик ўттиз саккизта кўшма илмий лойиҳа бажаришмоқда. Евроосиё ҳамжамияти, Туркия, Хитой ва Ҳиндистон билан қўшма лойиҳалар бўйича танловлар ташкил қилинди. Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида бундай ҳамкорликлар янада кенгайтирилади.

Шунингдек, илмий фаолиятга хусусий сектор маблағларини жалб қилиш мақсадида илмий лойиҳаларни хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари билан тенг шерикликда молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилиб, илмий фаолиятга оид дастурларни молиялаштиришга хусусий сектор ва тармоқ корхоналарининг ўттиз мил-

лиард сўм қўшимча маблағи жалб қилинмоқда. Бу, бир томондан, хусусий корхоналарга давлат томонидан киритилаётган инвестиция ҳисобланса, иккинчи томондан, инновацияларни жорий қилишни тезлатишга олиб келадиган самарали механизмдир.

Шу билан бирга, илмий фаолиятга халқаро ташкилотлар инвестициялари оқимини кенгайтириш учун 219 миллион АҚШ доллари миқдориди халқаро техник кўмак ва грантлар жалб қилиш бўйича йигирма битта лойиҳа танлаб олиниб, донор ташкилотлар билан мақсадли музокара-лар ўтказилмоқда.

Яқинда илмий-инновацион лойиҳаларни қўшимча молиялаштириш мақсадида Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни шакллантириш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдориди имтиёзли заём маблағлари Жаҳон банки томонидан тасдиқланди. Лойиҳа 2021 йил давомида ишга тушрилиб, илмий фаолиятга оид лойиҳалар халқаро талабларга кўра шакллантирилади. Халқаро экспертлар томонидан баҳоланади ва молиялаштириш учун танлаб олинади. Ушбу ишларни бажаришга кўмаклашиш, молиявий назорат ва ҳисобот тизимини юритиш мақсадида халқаро эксперт кенгаши ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ташкил қилинади. Бу жараёнда олимлар учун дунё фани даражасидаги чинакам рақобат муҳити яратилади.

Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида 2020-2021 йилларда қирқ учта, 2021-2022 йилларда юқори самарадор ўттиз саккизта илмий ишланмани тижорийлаштириш асосида илмий ва инновацион маҳсулотлар турини кенгайтириш; илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45, 2030 йилгача эса 39 ёшга етказиш (ҳозир 51 ёш); янги иш ўринларини яратиш; етти та замонавий лабораториялар мажмуасини ташкил этиш, уларни GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш кабилар белгиланган.

Концепцияда илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда илм-фан тизимини бошқариш қўнимасига ва иқтисодий билан эга бўлган ёш мутахассислар тайинлашиш кўзда тутилган. Уларнинг раҳбарларини Давлат бошқаруви академиясида ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизимини жорий қилинади. Чунки илмий ташкилотларнинг раҳбарияти, асосан, илм-фан намоёндаларидан иборат бўлиб, улар илмий тадқиқот натижаларини тижорийлаштириш, ишланмаларни рағбатлантириш, замонавий бошқарув, инфратузилмани янгиллаб боришга етарли қўнимка-ларга эга бўлиши керак.

2021 йилда халқаро мустақил эксперт компанияларини жалб этган ҳолда, Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча давлат илмий ташкилотларининг (юз-дан ортиқ) илмий-инновацион фао-лиятни аудитдан ўтказилади. Физика ва астрономия, тарих ва археоло-гия ҳамда фалсафа йўналишлари устувор равишда ривожлантирилади. Таълим, илмий ташкилотлар ва тармоқ корхоналари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилади. Ҳар бир йўналиш бўйича Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг алоҳида меъёрий ҳужжати лойиҳаси тайёр-ланади (жорий йилда математика, геология, кимё ва биология фан-лари устувор йўналиш сифатида эълон қилинган).

2021 йил 1 январдан бошлаб "Академик ҳаракатчанлик" дастури жорий қилинмоқда. Унинг мақсади ҳудудларда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни илм-фанга кенг жалб қилишга қаратилган. Дас-тури амалга ошириш учун Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни

қўллаб-қувватлаш жамғармаси маб-лағлари ҳисобидан уч йилда ўттиз етти миллиард сўм йўналтирилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда хорижий компаниялар ва таш-килотлар муассислигида Инновация-лар, технологиялар ва тадбиркорлик халқаро университети ташкил қилин-моқда. Университетда мутлақо янги бўлган "Инновацион менежмент", "Лойиҳа бошқаруви", "Интеллек-туал мулкни бошқариш", "Иннова-цион тадбиркорлик", "Инновациялар инжиниринги", "Сунъий интеллект технологиялари" каби йўналишлар бўйича малакали кадрлар тайёрла-нади. Бундай университетлар ҳозир АҚШ (Массачусетс технологик инсти-тутти), Малайзия (Инновациялар уни-верситети) Россия (Сочи инновацион университети, Инновацион техноло-гиялар ва тадбиркорлик давлат уни-верситети), Беларусь Республикаси (Минск инновацион университети) ва бошқа бир қатор давлатларда мав-жуд бўлиб, самарадорлиги амалда исботланган таълим даргоҳлари ҳис-обланади.

Шунингдек, илмий даражали кадр-лар тайёрлашни мувофиқлаштириш-нинг ягона электрон тизими жорий қилинмоқда. Тизим орқали изланув-чи, илмий раҳбар ва консултантлар-га доир маълумотлар, ташкилотлар илмий салоҳияти ҳолати, диссертаци-яларнинг электрон версиялари, квоталар бўйича бюртномамо шакл-лантирилади. Олий таълимдан кейин-ги таълимнинг бир поғонали тизими (аксарият давлатларда бундай тизим ишлаб турибди) жорий қилинган хори-жий мамлакатлар ҳамда рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро рей-тингларда биринчи уч юзта ўриндан бирини эгаллаган олий таълим таш-килотларида олинган фалсафа докто-ри ёки фан доктори илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлар Ўзбекистонда фан доктори (DSc) сифатида тан оли-нади. Профессор, доцент, катта илмий ходим ва шуларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар қўшимча экс-пертизадан ўтказилмасдан ва бош-қа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

Ушбу ҳужжатда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялашти-рилган илмий лойиҳалар, тадқиқотчи-лар ва олимлар ҳамда тижорийлаш-тирилган ишланмалар сони ва ҳажми каби индикаторлар Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иж-тимоий-иқтисодий ривожланган дара-жасини баҳолашнинг рейтинг кўрсат-кичларига киритилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур концепциянинг ҳаётага жорий этили-ши натижасида илм-фан соҳасида бошқарув тизими такомиллашади. Илм-фан ва илмий фаолиятни мо-лиялаштириш сифати янги босқичга қўтарилади. Молиялаштириш ман-балари диверсификация қилиниб, юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни ил-мий фаолиятга йўналтириш тизими йўлга қўйилади. Илм-фани ривож-лантиришнинг замонавий инфрату-зилмаси яратилади ҳамда илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замо-навий ахборот муҳити пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг фар-мони билан тасдиқланган мазкур концепция халқимизнинг қўтлуг аъ-аналарини давом эттирган ҳолда, мамлакат илм-фани тараққиётининг янги босқичга қўтарилишида вазир-лигимиз жамоаси, шунингдек, юр-тимиз илм-фан даргоҳлари, олимлар ва зиёлилар зиммасига катта масъ-улият юклайди. Бу — дунёга зиё таратишдай қўтлуг аънава ва теран идизларга эга халқимиз олдидаги, давлатимиз ва ҳукуматимиз олди-даги масъулиятдир. Маррнан бун-дай баланд олинши кейинги йил-ларда Глобал инновацион индекс поғоналарида янада ўқорилаш ва 2030 йилга бориб, илгор эллик мамлакат қаторидан жой олиши-миз кафолатидир.



Шарҳ

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

7-15 фоиз оралиғида бўлса, АҚШ, Австрия, Швейцарияда

10 фоизга ҳам етмайди. Аксинча, собиқ иттифоқ таркибига кирган давлатлар, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида бу кўрсаткич йиллар давомида ниҳоятда баланд — ЯИМнинг

30-50 фоизи оралиғида қолаётганини кўриш мумкин. Оқибатда бу муаммо ушбу давлатлар иқтисодиётини пастга тортаётган оғир тошга айланган.



Бошланиши 1-бетда

Ана шу мақсадларга эришишда белгилаб олинган устувор йўналишлар нафақат яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга доир маъмурий чораларни жорий этишни, балки, биринчи навбатда, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ органлари ўртасида тўлақонли ва ишончли мулоқотни ўрнатишни тақозо этади.

Қайд этиш жоиз, амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида бизнес учун кенг имкониятлар очилаётганига қарамай, мамлакатимизда яширин иқтисодиётнинг улуши ҳали-ҳамон юқори даражада қолмоқда. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, яширин иқтисодиётнинг улуши ЯИМга нисбатан 48-49 фоизни ташкил этапти. Бунинг натижасида қарийб 8 триллион сўмга яқин маблағ давлат бюджетига тушмай қоляпти.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида Президентимизнинг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Хужжатни ишлаб чиқишда республика таъкилотлари мутахассислари, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси экспертлари жалб қилинди.

— Фармонга кўра, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ тартиб-таомилларини соддалаштириш ва енгиллаштириш, уларни шаффофлаш ва солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларга эътибор қаратилмоқда, — дейди Давлат солиқ қўмитаси Стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Нодир Аҳмеджонов. — Хусусан, умумий овқатланиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг банк карталаридан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умумбелгиланган солиқларни, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғини тўлашга мажбурий ўтиш учун ҳисобга олинмайди. Ушбу чора пластик карталарни чекловсиз қабул қилиш орқали даромадларни ошириш, нақд пулда олинган суммаларни акс эттиришга имкон беради.

Фармонга биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб ризлаторлик хизматлардан олинадиган даромадларнинг қонуний муомалага жалб қилиш учун айланмадан олинадиган солиқ ставкасини 25 фоиздан 13 фоизгача камайтириш таклиф этилмоқда.

Хужжатда қурилиш корхоналарига ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини сақлаб қолган ҳолда, меҳнат шартномасини тузмасдан, нақд пулда тўлаш ҳуқуқи (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорининг 10 фоизигача) билан муддатли равишда ишга ёллаган рухсат берилиши назарда тутилган.

Эътироф этиш жоиз, юртимизда айна пайтага қадар ҳам яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича қатор самарали ишлар амалга оширилди. Мисол учун, онлайн назорат-касса машиналари жорий этилди, электрон ҳисобварақ фактураларини киритиш йўлга қўйилди, айрим турдаги товарлар гуруҳини мажбурий маркировкалаш татбиқ этилди.

**Фармонга биноан,
2021 йил 1 январдан
бошлаб ризлаторлик
хизматлардан
олинадиган
даромадларни қонуний
муомалага жалб қилиш
учун айланмадан
олинадиган солиқ
ставкасини
25 фоиздан
13 фоизгача
камайтириш таклиф
этилмоқда.**

Эндиликда бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида ҳисобга олиш ва тушулларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида электрон солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга



ҳам эътибор қаратилади.

— Хусусан, солиқ органларининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини замонавий сервер ускуналари билан таъминлаш ва тегишли дастурий таъминот билан тезлигини ошириш, яширин иқтисодиётни камайтириш ва солиқ хизмати ходимларининг малакасини ошириш учун республика бюджетини даромадларининг ортиқча бажарилиши ҳисобидан 100 миллиард сўмгача ва Жаҳон банкининг 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити ҳисобидан маблағлар ажратилади, — дейди Нодир Аҳмеджонов. — Бу тизимдаги ривожланиш жараёнлари билан ҳамкорлик солиғи, ресурслар солиқларини тўловчи шахслар сони ўртача 15 баравар ошди. Натижада 2009 йилда ўрнатилган мавжуд серверлар ва дастурий маҳсулотлар янги лойиҳаларнинг (электрон ҳисоб-фактура, онлайн-касса, ўзини ўзи банд қилиш, мулкни ижарага бериш) амалга оширилишини тўлиқ ва узлуқсиз қўллаб-қувватлай олмай қолди.

Халқаро экспертлар фикрича, ваколатли органларнинг техноло-

гик тайёргарлиги ва яширин иқтисодиёт улушини камайтириш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Шунинг учун ҳам ИТ даражаси юқори бўлган мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг улуши пастроқ бўлади. Тадқиқотларга қараганда, аксар ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7-15 фоиз оралиғида бўлса, АҚШ, Австрия, Швейцарияда 10 фоизга ҳам етмайди. Аксинча, собиқ иттифоқ таркибига кирган давлатлар, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида бу кўрсаткич йиллар давомида ниҳоятда баланд — ЯИМнинг 30-50 фоизи оралиғида қолаётганини кўриш мумкин. Оқибатда бу муаммо ушбу давлатлар иқтисодиётини пастга тортаётган оғир тошга айланган.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Чекни талаб қил ва совға ютиб ол!” акцияси ўтказиб келинаётганидан ҳабарингиз бор. Унинг доирасида фақат онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал кассалар чоп этувчи чеклар асосида ютуқли ўйин ташкил этилди. Ҳозирги вақтга қадар ушбу совринли ўйинларда Тошкент шаҳрида 524 миллион сўм миқдоридаги ютуқлар ўйналди. Бу, ўз навбатида, онлайн НКМларга ўтиш жараёнини тезлаштиришда ҳам қўл келяпти.

Онлайн назорат-касса машинасининг QR коди асосида лотерея ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилаётган эксперимент эндиликда республикамизнинг барча ҳудудларида татбиқ этилади.

Бугунги кунда солиқ идоралари 53 та вазирлик ва идорадан 120 та йўналишда келиб тушадиган маълумотларни қайта ишлайди.

Хужжатда бу жиҳатлар инobatга олиниб, вазирлик ва идораларнинг яширин иқтисодиётга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2021 йил 1 апрелгача реал вақт режимида қўшимча маълумот алмашишни таъминлайдиган идораларлар аппарат мажмуаси фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларнинг солиқ органлари ўртасида солиққа оид маълумотларнинг автоматлаштирилган алмашинувишга қўшилиши бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Солиқ органларида коррупцияга қарши



АЗАЛИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Абу Райҳон Беруний мўъжизалар мамлакатини ҳақида “Ҳиндистон” асарини ёзган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз “Муҳтасар”ида Хисрав Дехлавий ашъорларини келтиради. Бугун эса икки давлат раҳбарлари маънавий яқин, урф-одати, ҳаётий қарашлари ўхшаш халқлар тарихий муносабатларида янги даврни бошлаб берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил октябрь ойида Ҳиндистонга биринчи давлат ташрифи чоғида ҳинд халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модига буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилдли асарлар тўпламини совға қилди. Илмий, маърифий, маданий яқинлик халқларимизнинг бугунги кунда ҳам Шарқу Фарб бўйлаб илм-фан ютуқларидан биргаликда баҳраманд бўлаётганидан далолат. Бу, ўз навбатида, биргаликда савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришга имкон бериб, ҳамкорлиқнинг жорий босқичида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида қарор топган стратегик шериклик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамламоқда.

Қайд этиш жоиз, Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шериклиқни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

**Дипломатик алоқалар:
минтақавий барқарорлик
йўлидаги ҳамкорлик**

Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳақида сўз юритилганда унинг узоқ ўтмишига бориб тақалишни қайд этиш жоиз. Хусусан, темирйўл Шохруҳ Мирзо Ҳиндистон билан яқини қўшничилик муносабатларини ўрнатиш учун 1433 йил Хўжа Абулмақоим бошчилигидаги элчиларни ҳинд юртига юборди. Бу эътиборга жавобан Насириддин Маҳмудшоҳ ҳам 1437 йил ўз элчиларини Самарқандга йўллади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, ҳар икки халқ бугунги кунда бўлгани каби ўша кезларда ҳам минтақавий барқарорликка интилган. Масалан, XV асрда Бенгалия ва Жоунпур ҳокимликлари ўртасида муросасизлик юз беради. Шохруҳ Мирзо ҳар икки томонга элчи юборгач, муҳолиф томонлар ўртасидаги кескин рақобат барҳам топади.

Кейинчалик темирйўллар суполаси вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарихий шароит сабаб Мовароуннаҳр заминини тарқ этиб, Ҳиндистон сари юзланади. Ушбу воқеалик Пиримқул

ўртасида қуролли можаро юз берди. Халқаро ҳамжамият икки давлатни яраштириш чораларини кўради, музокаралар учун эса Тошкент шаҳри танланади. Шу тариқа Ўзбекистон ҳудуди дунёга тинчлик илгинган мамлакат сифатида яна бир бор тарихда қолди.

**Истиқлол йиллари:
ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий
асослари янада
мустаҳкамланди**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатларимиз ўртасида асрлар давомида ривожланиб келаётган тарихий ришталарни янги поғонага кўтариш учун қулай имконият юзага келди.

1992 йил 18 март куни Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида протокол имзоланди. 2011 йил Стратегик шериклик ҳақида қўшма баёнот қабул қилинди. Минтақавий, ташқи сиёсат масалаларида ўзаро фикр алмашиш ва ақдид ҳаракатларни ташкил қилиш мақсадида 1997 йилдан Ўзбекистон ва Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаларининг сиёсий маслаҳатлашувлари доимий асосда ташкил этиб келинмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Ҳиндистон парламенти палаталари билан ҳамкорлик гуруҳлари тузилди. Натижада давлатларимизнинг қонун ишодкорлиги йўлидаги ҳамкорлигининг аниқ механизми яратилди, шу орқали барча соҳалардаги муносабатларни сифат жиҳатидан яхшилашга имкон туғилди.

**Ўзбекистон ва Ҳиндистон
ҳамкорлигида янги тарихий
қадамлар**

Ўзбекистон улкан иқтисодий имкониятларга эга Ҳиндистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сўнгги йилларда технология, инновация, соғлиқни сақлаш, хизмат қўратиш соҳалари ривожига катта эътибор бераётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, Ҳиндистон учун ҳам Марказий Осиё минтақасида қулай савдо заминини тарқ этиб, Ҳиндистон сари юзланади. Ушбу воқеалик Пиримқул

ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон истиқболли ҳамкордир.

Бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқоти халқларимиз манфаати йўлида барча соҳаларда шериклиги юқори даражада ривож топтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 ва 2019 йиллар Ҳиндистонга олий даражадаги ташрифлари ўзаро муносабатларда янги саҳифа очди.

Уларнинг доирасида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ҳиндистон ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири. Шу боис, савдо-иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларимиз муносабатига алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 280 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Дехлида Ҳиндистон — Ўзбекистон савдо уйи очилгани, Тошкентда Ўзбекистон —

Ҳиндистон тадбиркорлиқни ривожлантириш маркази ташкил этилгани икки мамлакат ишбилармонлари фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

Қадимда “Буюк Ҳиндистон” дея аталган карвон йўли ҳинд заминини Марказий Осиё билан боғлаган. Бугунги кунда ҳам Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасида ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратишга зарурат туғилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган трансакцион темир йўл лойиҳаси истиқболда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ўзаро савдонини янада ривожлантиришга имкон беради.

Олий даражадаги ташрифлар яқунлари ҳам барча соҳалардаги, жумладан, илмий ва иқодий шериклики янги босқичга кўтариш, долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, фан-техника ва инновациялар соҳасида ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қоинотни тадиққ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик каби турли соҳаларда 20 та ҳужжат давлат тиббиёт институти Ҳиндистонда ўз филиалини очди. Шу тариқа миллий кадрлар тайёрлаш сиёсатидаги тарихий ҳамкорлик чин маънода янада фаоллашмоқда.

Ўзбекистон бугун Ҳиндистон мисолида минтақада савдо муносабатларини янада ривожлантириш, барқарорлиқни мустаҳкамлашда ишончли шерикни кўради. Ўз навбатида, Ҳиндистон Ўзбекистон раҳбариятининг инновацион ёндашуви ҳамда ички ва ташқи сиёсати самарали эканини қайд этиб, ҳамкорликка интиломоқда.

Жумладан, ҳамкор мамлакатнинг “Business Central Asia” журналинда чоп этилган мақолада мамлакатимиздаги ислохотлар эътироф этилиб, “Бу нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишидан манфаатдор хорижий ҳамкорлар учун ҳам муҳимдир”, дея қайд этилади. Ҳиндистонлик эксперт Мина Синх Рой Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни эътироф этар экан, мамлакат учун таълим, диний ва дунёвий билимларни эгаллаш жамиятини ривожлантириш ва замонавий хавф-хатарлар олдини олишнинг асоси ҳисобланишини таъкидлайди.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон минтақада тараққиётнинг янги даврини бошлаб бермоқда. Азалий дўст мамлакат Ҳиндистон эса ушбу интилошларни фаол қўллаб-қувватлаётганлиги.

**Улугбек ШОНАЗАРОВ,
“Дунё” АА муҳбири**



Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида Бобур тилидан бундай баён қилинади: “Еруғ бир истиқболли Ҳиндистон томондан изламоқдамен...”

**Ҳиндистонда 300
йилдан ортиқ даврда
улкан салтанатга
асос солган сулола
Бобурийлар номи
билан тарихда қолди.
Бу ерда қарор топган
тинчлик туфайли
моддий ва маданий
ҳаёт тараққий
этиб, бетақроқ
обидалар, қадриятлар
яратилди. Ўзбек ва
ҳинд халқининг
сиёсий, иқтисодий,
маданий алоқалари
ва ҳамкорлиги кенг
қўламда ривож топди.**

1965 йил август-сентябрь ойларида Ҳиндистон билан Покистон



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Гавҳар Йўлдошева,
Тошкент давлат юридик
университети профессори

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши муҳим тарихий воқеа бўлди. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва демократик жамият куриш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаларининг халқаро эътирофидир.

Айтиш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бугунги кунда юртимизда бу борада замонавий меzonларга жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим шаклланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида тизимли ва босқичма-босқич амалга оширишнинг миллий модели яратилди. Бу йўналишда икки ва кўп томонлама муносабатларда, жумладан, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро форумлар доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қатъий ҳимоя қилиш борасида муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

2021-2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида зиммамизга юлпанадиган масъулиятлардан ҳам тўла хабардормиз. Эндилкида сунгги йилларда бу жаҳдада эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, инсон ҳуқуқларини қатъий билан тарғиб қилиш ва ҳимоялашга конструктив ҳисса қўшиш асосий вазифамиздир. Бу йўналишда халқаро, минтақавий ва миллий даражада қатор вазифаларни амалга ошириш лозим.

Хусусан, халқаро даражада БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти, парламентлар, хусусий сектор ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтиришга эътибор қаратилади. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мазкур халқаро ташкилотнинг экспертларини юртимизга таклиф этиш ва алоқаларни кенгайтириш чоралари курилади.

Барқарор ривожланиш учун кун тартибиди жорий этиш бўйича глобал ташаббуслар ва муҳокамаларда фаол иштирок этиш режалаштириляпти. Гендер тенгликни таъминлаш, жамиятда аёлларнинг ролини ошириш, шунингдек, аёллар саломатлигини муҳофазалаш, репродуктив саломатлигини асраш, аёлларга нисбатан ҳар қандай таъийқ ва зуравонлиқнинг олдини олиш, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар кучайтирилади.

Бундан ташқари, аёллар, болалар, ногиронлар ҳуқуқлари ва миграция масалаларида инсон ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида энг яхши амалиёт, таъриба ва ютуқлар кенг тарғиб этилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илм-фан ютуқларини давлат органлари ва жамоат ташкилотлари тизимида шаффофлик, очиклик ва ахборот олиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш диққат-эътиборда бўлади. Эътиборли жиҳати,

тегишли молиявий ресурслар билан таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташаббусларга ҳисса қўшиш оламшумул ҳаракатдир.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида минтақавий даражада ҳам бир қатор муҳим режалар тузилмоқда. Биринчидан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва минтақада инсон ҳуқуқларини тарғиб қилишда МДҲ каби ҳамкорлар билан доимий равишда иш олиб борилади. Осиё минтақасида инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмини ташкил этишга қўмақлашилади ва унинг аъзо давлатлардаги ўрни ва мақсадлари тарғиб этилади.

Миллий даражада эса инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоялаш бўйича энг юқори стандартларга риоя этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ва халқаро даражадаги фаолиятнинг турли соҳаларга тўлиқ интеграциялашувни таъминланади. Бунда БМТнинг тегишли органлари билан ҳамкорлик қилиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ миллий даврий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш устувор вазифа ҳисобланади. Хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мақсадида бу йўналишдаги ҳаракат режалари самарали амалга ошириб борилади.

Ўзбекистонда инклюзив таълим тизимини кейинги йилларда изчил ривожланмоқда. Бу соҳадаги миллий ва халқаро таърибаларни кенг оммалаштириш, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини ошириш, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълимга оид ва ижтимоий инклюзиясига муносиб ҳисса қўшиш муҳим вазифа саналади. Бу соҳада ногиронларнинг ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш чора-тадбирларини кўрган ҳолда, БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш белгиланган.

Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг чинакам иштироки ва бу тадбирларга самарали жалб этилиши ҳамда уларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қўмақлашилади. Инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясини амалга таътиқ этиш эътиборда бўлади.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ушбу дадил қадмллари нафақат миллий, балки бутун инсониятнинг бугунги ва келажак тараққиётига дахлдор глобал муаммоларнинг оқилона ечимини топиш ва барқарор тараққиётга эришишида муҳим самара беради.

Ҳар қандай мамлакатнинг турли йўналишлар бўйича эришган ютуқлари халқаро рейтинг агентликларининг тадқиқот натижалари бўйича баҳоланади.



Кўзгу

ЎЗБЕКИСТОН ХАВФСИЗ МАМЛАКАТ СИФАТИДА НУФУЗИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Сарварбек УСМАНОВ,
Ички ишлар вазирлиги Хавфсиз туризмни
таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси масъул ходими

Куни кеча яна бир хушхабар эшитдик. Жаҳон қонун ва тартиб индексига кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз тўққиз мамлакати сафидан ўрин олди. Бу борада кучли ўнликка кирди. Албатта, барчамиз учун фахрли бу кўрсаткичга ўз-ўзидан ёки тасодифан эришилмади, бунинг замирида юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар самараси ётади.

Умумий ютуғимиздан руҳланиб, бугун юртимизда хавфсиз туризмни ривожлантириш тамойиллари, янги-ча тартиб-қоидалар самарадорлиги ҳақида гапирмоқчимиз. Гап шу ҳақда кетар экан, аввало, Ўзбекистон яқин-ирироқ давлатлар, барча халқлар учун очиклик сиёсати йўлига ўтгани, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун этиб белгилангани, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш асосий мақсадимиз эканини таъкидлаш ўринли. Бугунги ислохотларимиз миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини қўлайитириш, уларга қўлай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ички ишлар тузилмаларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимларига танлов асосида бир неча хорижий тилларда эркин сўзлаш оладиган, касбий жиҳатдан етук ҳамда юксак муомала маданиятига эга ходимлар жалб қилинди. Уларнинг асосий вазифалари сифатида, энг аввало, туризм объектиларида жамоат тартибиди сақлаш, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, шу жумладан, уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни турли жиноий таъовузлардан ҳимоя қилиш, тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу бўлимлар ходимлари мамлакатимизга хорижий давлатлардан таъриф буюрган расмий делегация вакилларини кутиб олиш, таъриф чоғида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажариб келмоқда.

Юқлатилган вазифаларни самарали бажариш учун бошқармалар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, алоҳида белгилар ва логотиплар билан ажралиб турувчи автобус, енгил ҳизмат автомашиналари, патрулли хизматни олиб бориш учун мотоцикл, скутер, сегвей, планшетлар билан таъминланган. Шунингдек, ходимларнинг ўзига хос имижини юксалтириш учун экипировка ва ташқи кўринишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хавфсиз туризмни таъминлашнинг мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари учун дизайнерлар билан ҳамкорликда замон талабларига мос, туну қун хизмат олиб бориш учун ҳар томонлама қўлай янги хизмат кийими ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳри ва

Мамлакатимизда зиёрат туризмни ҳам жадал ривожланмоқда. Фикримизни “Crescent Rating” компанияси томонидан 2015 йилдан буён юритиладиган “Global Muslim Travel Index”нинг 2019 йилги натижаларига кўра, Ўзбекистон зиёрат туризм учун энг қўлай бўлган давлатлар рўйхатидан жой олгани мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. Австралиянинг “Lonely Planet” нашри эса Ўзбекистонни саёҳат давомида саргузаштларни қидириш учун энг яхши давлатлар рейтингига 2-ўринга лойик, деб эътироф этди.



Тошкент вилоят ИИББ ҳамда Самарқанд вилоят ИИББ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларига синов тариқасида тарқатилди. Шу кунларда аҳоли ва ходимларнинг фикрлари ўрганиб чиқилмоқда.

Бугунги кунда хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимлари фаолиятига янада янги техника воситаларни жорий этиш режалаштирилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг экотуризм имкониятларидан келиб чиқиб, келгусида гидроцикл ва катерлар харид қилиш назарда тутилган.

Халқчил саёй-ҳаракатларимиз юртимизга таъриф буюрган сайёҳлар хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимларига куч ишлатар тизим сифатида эмас, аксинча, ўзларининг хавфсизлигини қафолатловчи, ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки, шаъни ва қадр-қиммати турли таъовузлардан муҳофаза қилувчи, муаммолари яъниларда тезкор ва сифатли ёрдам кўрсатишга доимо тайёр ҳимоячиси сифатида қарамоқда. Сайёҳларнинг бу борадаги фикр ва мулоҳазалари ижтимоий тармоқларда ҳам ўз аксини топаган.

Ҳар қандай мамлакатнинг турли йўналишлар бўйича эришган ютуқлари халқаро рейтинг агентликларининг тадқиқот натижалари бўйича баҳоланади. Бу рейтинглар кейинги йилларда мамлакатимизга аксарият соҳаларда сезиларли ютуқларга эришяётганини кўрсатаётгани ҳам қувонарлидир.

Тахлиллардан маълумки, сайёҳлар, биринчи навбатда, ўзлари саёҳат қилишни истаган мамлакат гузаллигига эмас, балки хавфсизлик даражасига эътибор қаратмоқда. Айниқса, таҳликали кейинги йилларда бу ҳол ақол намоен бўлмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон иштирокида ўтказилган рейтинг натижалари сайёҳларни юртимизнинг кўхна кентлари, гузал табиатига оҳанрабодек қорламоқда.

Шу ўринда айрим халқаро ташкилотларнинг мавзуга доир ўтказган рейтинг натижалари таҳлилга тўхталишни жоиз топдик.

“International SOS and Control Risks” халқаро компанияси экспертлари 2018 йили ўтказган тадқиқотда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ишлаш ва саёҳат қилиш бўйича энг хавфсиз давлат сифатида қайд этилди. Шу йил бошида АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган маълумотда ҳам мамлакатимиз саёҳат қилиш учун энг хавфсиз давлатлар рўйхатида киритилди. АҚШнинг “Gallup Global” компанияси



Германиянинг оммабоп бўлган “BILD” онлайн нашри томонидан тузилган

2020 йилда энг яхши туризм йўналишидаги давлатлар рейтингига Ўзбекистон яна биринчи ўринда. Россиянинг “Oktogo.ru” сайти ўтказган рейтингда энг арзон туризм йўналишидаги шаҳарлар қаторида Тошкент шаҳри ТОП-5 рўйхатига киритилди.

Жумладан, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимлари шахсий таркибини жамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай бўлимларга, энг аввало, чет тилларни биладиган, малакали ва кўркам йигит-қизлар ишга қабул қилиняпти. Юртимизга хориждан келган сайёҳларнинг аксарияти инглиз тилида сўзлаша олади. МДҲ мамлакатларидан келаётганлар эса, асосан, рус тилида гаплашади. Шу бос, ходимлар рус ва инглиз тилларини мукамал билиши шарт. Айни пайтда кадрларнинг тил бўйича билимларини оширишга қаратилган тизимли ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Ходим учун нафақат тил, балки ўзи хизмат олиб бораётган ҳудуднинг тарихи, маданияти яхши билиши муҳим. Шунингдек, у хорижлик сайёҳ билан эркин суҳбатлаша олиши, саволларига батафсил жавоб бериши лозим.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимлари ходимларига қўйиладиган талаблар, энг аввало, ватанимизга содиқ, фидойи, танлаган касбини ардоқлайдиган, олдиға қўйилган вазифаларни беникусон бажара оладиган, маънавий етук, билимли, жисмонан бақувват, юксак маданиятли, хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган, интилувчан, ўз тақдирини мамлакат тақдир билан боғлаган, ёрдам беришга доимо тайёр ходим бўлмоғи лозим.

Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси доирасида бошқармалар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги ситуацион маркази мисол қилиб келтирадиган бўлсак, бу ердаги замонавий технологияларни қўшни мамлакатлардан таъриф буюрган делегация вакиллари ҳам юқори баҳолади. Ситуацион марказни Самарқанд шаҳрининг “Виртуал кўзи” дейиш мумкин. Тезкор алоқани таъминлаш мақсадида Регистон майдонига “SOS” видеоалоқа тутмаси ишлатилмоқда. Марказдан туриб Самарқанд шаҳридаги туристик намоиш объектларида, аҳоли гавжум бўлган жойларда барча вазиятни узоқдан кузатиб бориш имконияти мавжуд.

Бу каби ситуацион марказ Шаҳрисабз шаҳридаги ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси маъмурий биносида ҳам ташкил этилган. Бугунги кунда Хоразм ва Тошкент вилоятлари ИИБ ХТББларининг маъмурий биналарида ҳам бундай марказларни ташкил этиш бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси сабаб дунё миқёсида чет эллик сайёҳлар оқими камайган бўлса-да, маҳаллий туризмни ривожлантириш, хорижий давлатлардан таъриф буюрган меҳмонларга янада хавфсиз ва қўлай шароитлар яратиш, уларда мамлакатимиз ҳақида иjobий фикрлар йўғотиш устида зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлимлари сайёҳларга доимий равишда хизмат кўрсатиш, уларга ёрдам беришга шай. Тизим ходимлари Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг мамлакатимиз ҳақида гузал хотиралар билан қайтишига барча имконият ва салоҳиятини сафарбар этишда давом этади.

Адиблар хиёбонида

“МУШФИҚ ЮРТ. ШУ ЕРДА НАСЛУ НАСАБИМ...”

Рус тилида асарлар ёзган ва ёзаётган шоирлар, ёзувчилар кўп, лекин Александр Файнберг Ўзбекистон халқ шоири унвонига муяссар бўлган дунёдаги ягона русийзабон адиб.



Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Шоир ўзбек тили ва адабиётига ҳурмат-эҳтиромининг изҳори сифатида Алишер Навоий ғазалларини рус тилига юксак маҳорат билан таржима қилган. Унинг таржималари Алишер Навоийнинг рус тилида нашр этилган 10 жилдлик асарлар тўпламидан муносиб ўрин олган (“Фан” нашриёти, Тошкент, 1968 йил). Ўзбек мумтоз шеърини ҳақида қўллаб мақолалар ёзган. Ўз ижоди билан ўзбек тили ва адабиётининг жонкуяр тарғиботчиси эканини исботлаган.

Александр Файнберг ҳозирги замон ўзбек шоирлари шеърларидан рус тилига қилган таржималарини “Оқушлар ғаласи” номи билан нашр эттирган. “Хорманг, шоирлар!” деб ёздаи шоир соф ўзбек тилида “Оқушлар ғаласи” китобининг сўз аввалида. У бадий таржима ва мақолалардан ташқари шеър ва достонларида ҳам ўзбек тилига бўлган муҳаббатини намоян этган.

Шоирнинг 2009 йилда Ғафур Ғуллом номидаги матбаа-ижодий уйи томонидан рус тилида нашр этилган икки жилдлик асарлари ичида ўзбек тилига бағишланган шеърлар кўп. Ана шу китобларнинг иккинчи жилди 355-бетиде “Струна рубайата” (“Рубоийёт торлари”) номли достони берилган. Достон ўзбек мумтоз шеърини яхшироқ халқда, европаларга ўзбек миллатининг маданияти, кўнгли ва қўли очиклиги, тўқин дастурхони ва меҳмондорчилигини тарғиб этиш мавзусида ёзилган. Асарда “домупло”, “беда-на”, “супа”, “капир”, “ошпаз”, “коса”, “тўй”, “лаган”, “носвой” каби ўзбекча сўзлар тимсол сифатида ишлатилган ва бу сўзларга бадий изоҳ берилган. Умуман, шоир шеърларида миллий характер ва манзарани очиб бериш ва ёрқин тасвирлаш учун ўзбекча сўзларни кўп ишлатади. “Родина” шеърда Ўзбекистонни муқаддас Ватаним деб тараннум этади, “Я пил айран в той мазанке”, дея ўзбекларнинг муздай айронини таърифлайди. Бу Ватанимг бепоен дала-лари ва осмонлар тоғларини азиз билиб, йул бўйига соя солиб турган теракларни эҳромлардек юксак ва улугвор, дея тасвирлайди. Шеърда шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббати жўшиб турганини ҳис этасиз.

*Қуёш, тўртбурчак далалардан то
Тизма тоғларча чўзилган Ватан —
Йўлларнинг гирдида бўлиб гиргиттон
Гумбаздек тераклар турарлар қатор.*

Ўзбекистон манзараларини чизар, ўзбек миллатининг бағрикенглиги, ҳалоллиги, ишончини тасвирлар экан, унга ҳис фазилатларни фохр билан баён этади. Қишлоқларда яшаётган одамлар ҳовлисининг эшиги йўқ, демак улар ҳеч кимдан хавфсирмай, ҳеч қандай ёмонликдан қўрмай озод ва эркин яшайди, ўзбек ўзига ишонади, бошқалардан ҳам гумон қилмайди, деган фикрлар уйғунлашган ушбу шеърда.

*Далаларни кездим қадамма-қадим,
Теодолит кўтариб, ўлчамим танов.
Лойсувоқ уйларда симирдим чалов,
Эшиксиз ҳовиллар очикдир мудоим.*

Бундай мушфиқ юрт, бундай меҳрибон



Тилнинг қоғоздаги ифодаси — ёзув. Ёзувнинг пайдо бўлиши инсоният тараққиётидаги энг буюк кашфиётлардан биридир. Ёзув — тилнинг дунёдан йўқолиб кетмаслиги, авлодлардан-авлодларга ўтиб яшаб келаётгани манбаи ва шартидир.

халқ дунёда йўқ. Мен шу юртда туғилдим, шу юртда яшайман ва умрим поёнига етганда шу тупроқ мени ўз бағрига олади ва мени ўз фарзандидай ардоқлайди, Европа, мен сени танимайман ҳам, деган иқдорини дангал айтади.

*Мушфиқ юрт. Шу ерда наслу насабим —
Ўзбекистондадир хоким, тубоим.
Ҳой, Европа! Сени танимайман ҳам.*

Мен бу юрт учун жонимни ҳам беришга тайёрман, менинг азиз Ватаним Ўзбекистон, деган ифтихор ва шукроналик туйғулари Александр Файнбергнинг бутун ижодида, асарларининг руҳиятига сингиб кетган. Шунинг учун шоир рус тилида шеър ёзса ҳам ўзбек тили ва адабиётини тарғиб этишдан асло толмайди. Шоирнинг тили русча сўзлайди, лекин юраги ўзбекча уради, ўзбекча севади, кўнгли ўзбекнинг кўнглидек очик ва меҳрга лиммо-лим тўла. Александр Файнберг номзодини Ўзбекистон халқ шоири унвонига тавсия этишганида комиссия ййгилишида кимдир: “У ўзбек эмас”, деб эътироз билдирган экан. Ушанда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов сўз олиб: “Александр Файнберг мендан ҳам ўзбекроқ”, дея жавоб берган. Устозимиз бу шоирнинг Ўзбекистонга меҳри ва садоқати кучли, ижоди ва фаолияти, асарлари ўзбекча миллий руҳ ва қадриятлар билан сугорилган, деган фикрни айтган.

Александр Файнберг ўзбек мумтоз шеъринининг таржимони сифатида англаган ҳақиқатлари, ҳис этган нозик туйғуларини “Хаваскор таржимонга” шеърда ифодалайди. Шарқнинг энг қадимий ва бой тилларидан бири ўзбек тилида яратилган шеър асарлар муталаасининг таассуротлари ва ўзбекча шеърларнинг русийзабон шоир томонидан таржима қилиниши жараёнлари Александр Файнберг тилидан баён этилади.

*Назм — наво, назм — илтижо,
Шарқни тинглаб наъша олурсан.
Чўзилади карвондек ҳижо,
Чилим каби тутаб ёнурсан.*

Алишер Навоий ғазалларининг вазни, оҳанги, тимсоллари ва тил хусусиятлари бадий таҳлил этилади. Арузнинг жозибаси, сеҳри, ўқувчига таъсири, сўзларнинг сифати, ҳижо-ларнинг чўзилиши жонли ифодаланади. Шарқ шеъринидаги дардни ҳис қилсанг, юрак-бағринг ўртанади, чилим каби тутаб ёнасан, дейди шоир.

*Инграр наво юракни тилиб,
Шеърят бу — донишманд илон.
Ниш уради атирсул бўлиб,
Булбул бўлиб сеҳрлар нолон.*

“Но стих — премудрая змея”. Шеърят — донишманд илон, деган образни келтиради Александр Файнберг. Бу тимсол билан шарқона шеър гўзал, лекин у илондек чақиши ҳам мумкин, унинг заҳри чаққан одамни ўлдирмасдан қўймайди, шарқона шеърда донишмандлик ва ҳикмат кўп, деган фикрларни айтмоқчи бўлади. Тилнинг, бадий сўзнинг кучини таърифлайди. Шеър атиргулдек гўзал ва хуш ифдор, лекин унинг тиканлари ҳам бор. Гулнинг қирмизи ранги ва ёқимли ифдоридан ҳузур қилсан, лекин унинг тикани нафақат бармогинга, балки юрагинга ҳам санчилади.

*Ашгор гўзал, ашгор мафтункор,
Бекорларга лол этмагайдир.
Асал ва мой ичига бекор
Қилич тигин беркитмагайдир.*

Александр Файнберг ўз қисматини ўзбек шеърини ва адабиёти билан боғлагани, ижодий ва ижтимоий фаолияти давомида шу юртга, шу халққа фидокорона хизмат қилгани учун ҳам юксак мартабага эришди. “Аллох” деган сўз рус тилидаги матнда айна берилмади.

*Едва пошлёт тебе аллах
свой тайный звук, скрытый в слове,
как сладкий слог соленой кровью
забытся на твоих губах.*



Александр Файнберг исломий эътиқодни эҳтиром билан қаламга олади. Тилни, сўзни сенга Аллоҳ берган, худди томирларинга қонни, жисминга жонни ато этгандек тилингда товушларни, сўзларни берган. Тил ва унинг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг ислом таълимотига мос ва уйғун экани биз ўзбек ижодкорларида русийзабон шоирга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотади.

*Шеър — Аллоҳнинг товиши яширин
Қулошига урилмоқдадир,
Шўртакина қондек сўз ширин
Дудогингда тирилмоқдадир.*

Александр Файнберг шеърларида тил тимсоли кенг ва теран маъноларда талқин этилади. Тил — сўз, фикр, муносабат, туйғу, тил — шеър, товуш, ҳарф, ёзув, қўлзма, китоб каби ташуначлар мазмунини ҳам ифодалайди. Ававаланбор, ҳар қандай бадий асар тил ҳодисаси ҳисобланади. Ҳар бир шоир шеърларининг тили ўзгалардан фарқлиб туради. Шоирнинг шеъри — тилнинг сайқалланиб моддий нарсасига айланган шакли, шеър — тил яратган санъат обидаси.

Тилнинг қоғоздаги ифодаси — ёзув. Ёзувнинг пайдо бўлиши инсоният тараққиётидаги энг буюк кашфиётлардан биридир. Ёзув — тилнинг дунёдан йўқолиб кетмаслиги, авлодлардан-авлодларга ўтиб яшаб келаётгани манбаи ва шартидир. Ёзувда тилнинг гўзалликлари намоён бўлади. Ёзув тилнинг барҳаётлигини таъминлайди. “Қалам билан ёзилгани болта билан чопиб бўлмас”, деган нақл бор.

Шеър юракда туғилиб, қўлзма-магарда яшайди. Шунинг учун Александр Файнберг қўлзма-магарда битиб, сўзни шарфалайди, тилни улуглайди.



*Тоза қўлзмалар... Қўйма кўп руску,
Улар шай, сенсиз ҳам учмоққа тайёр.
Қораламалар бор қаладонда қулф,
Топилмас улардек содиқ, вафодор.*

*Китобинг қон-жонни ундан иборат.
У — ижод,
у — меҳнат,
у — сардор ва бош.
Агар қозонсанг ҳам кейин шон-шухрат,
Қораламаларга тўқарсан кўз ёш.*

Дунёдаги энг оғир ва машаққали меҳнат — сўз устида ишлаш машаққати, таҳрир. Бутун умрини таҳрирга бағишлаган устоз ижодкорлар яшаб ўтган. Бу игна билан кудук қазигандан ҳам қийин меҳнат. Сўз устида ишланса, гап сайқаллашади, фикр ёрқин ва тиниқ ифодаланади. Шоир ана шу мураккаб ижодий жараёни тасвирлайди.

*Қоралама... Сиртдан камтарин, фақир.
Бирок қасос олар қилсанг хиёнат.
Улар ҳарфларнимас, сўзинмас, ахир,
Юлдузлар товушин айлар башорат.*

Худо буюрган ва кўнглига солган шеърларни Александр Файнберг кўкдаги юлдузлардан тушган товушлар, дея образли таърифлайди. Сўзларни ёзиб, устидан ўчириб, яна бошқатдан ёзиб ишланган қоралама қўлзма эса шоирнинг юлдузларнинг товушин илоҳи борица бежирми ва мукаммал қилиб қозога тушириш жараёнида чеккан ширин азобини ўзида намоён этади, бамисоли юрак уриши суръатини қозога чизган кардиограммадек. Инсоннинг юрак уриши суръатини кардиограмма кўрсатади, шоирнинг тил воситасида қозога туширган юрак садолари қоралама қўлзмада намоён бўлади. Шунинг учун қораламаларни асраб-авайлаш зарур.

*Шоирлар, авайлаб асранг доимо,
Уларда Худога сирли ришта бор.
Ёдлаб олиш мумкин шеърларни, аммо
Илҳом лаҳзаларин қайтармоқ душвор.*

*Ижодда йўлдошсиз, ҳаётда қондош,
Юксак парвоз айланг мисоли бургут.
Ҳаётга бўлурсиз боқий замондош,
Қораламаларга қўймасангиз ўт.*

Шоир дунёда содир бўлаётган глобал муаммолардан ҳам кўра, одамларнинг бефарқлигидан изтироб чекапти. Шу ўринда сўзнинг хазинадонлари бўлган тили бийрон шоирларнинг масъулиятсизлигини кескин танқид қилмоқда.

*Сен жисманми?
Жим тур.
Замон айбормас,
Ҳеч нима чиқара олмас овозанг.
Қўрагингда эжомдек ичи бўш юрак
Тили йўқ қўнғироқ каби чалмас занг.*

Маънавий сўқир, Абдували Қутбиддин ибораси билан айтганда, дилмарг кўнгли ҳис-туйғулари ўлик одамлар аслида оламнинг жароҳатидир. Маънавий сўқир одамларнинг эски қўшигини тинглашга, қотиб қолган фикрларини эшитишга қунимиз қолмайди. Дунё доимо ўзгаришда, олам ўзгаради, янгиланиш инсон руҳиятида ҳам, ҳаётда ҳам содир бўлади. Бизга янги замонни янги қўшиқлар, янги шеърлар билан тараннум этадиган шоирлар керак. Худонинг ўзи ёрқин юлдузлардан майсаларга боғланган торларни чертадиган, юлдузлар товушини эшитадиган шоирларни ҳам яратади. Ана шундай шоирлар тилларда достон бўлади, уларнинг орқасидан яхши сўз, яхши ном қолади. Уларнинг ибратли ҳаёти сўзга, адабиётга эврилади. Ана шундай шоирлардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергдир. Шоир юлдузлардан келган товушлар билан ўз ҳаёти ҳақида бундай ёзган эди.

*Сўзга эврилам, сўзга ҳа демай.
На ҳайрат-ҳаяжон, на шубҳа-гумон.
Қаҳиллар тўлқинлар узра чағалай.
Акс-садо беради шовуллаб ўрмон.*

Бу дунёда сўзга эврилиш камдан-кам шахсга насиб этади, бунинг учун одамнинг сўзи яшаши керак, сўзининг ичида ўзи яшаши керак. Шоир яратган сўз санъати намуналари, унинг адабиётга қўшган ҳиссаси қадрланиб, Адиблар хиёбонида улуг алломаларимиз қаторида ҳайкали ўрнатилди. Александр Файнберг таваллуд кўни шоир ва ёзувчилар, таржимонлар Адиблар хиёбонида унинг ҳайкали пойига гуллар қўйди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид, шоир ва таржимонлар Николай Ильин, Галина Долгая ва бошқа ижодкорлар Александр Файнбергнинг бетақдор ижоди, ибратли ҳаёти ҳақида сўзладилар, унинг шеърларидан янги таржималарни ўқидилар. Демак, шоирнинг сўзи бугун ҳам унинг дўстлари ва мухлислари тилида янграб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Вазирлар Маҳкамаси Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари қотибатиининг бош мутахассиси
Равшанбек ХАСАНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор этади.